

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06. 2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАХХОРОВА ГУЛРУХ ШАВКАТОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЮКЛАМАЛАРНИНГ ГРАММАТИК
ҲАМДА ФУНКЦИОНАЛ-СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Каххорова Гулрух Шавкатовна

Инглиз ва ўзбек тилларида юкламаларнинг грамматик ҳамда функционал-стилистик хусусиятлари..... 3

Каххорова Гулрух Шавкатовна

Грамматические и функционально-стилистические особенности частиц в английском и узбекском языках..... 24

Kakhkhorova Gulrukh Shavkatovna

The grammatical and functional-stylistic features of particles in the English and Uzbek languages 46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications.... 51

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06. 2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАХХОРОВА ГУЛРУХ ШАВКАТОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЮКЛАМАЛАРНИНГ ГРАММАТИК
ҲАМДА ФУНКЦИОНАЛ-СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.3.PhD/Fil1372 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Бухоро давлат университети веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ўраева Дармон Саидахмедовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Насруллаева Нафиса Зафаровна
филология фанлари доктори, доцент

Қосимова Нафиса Фарҳодовна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори,
доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети хузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «06» август соат 19⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (77 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87).

Диссертация автореферати 2021 йил «24» июль кунини тарқатилди.
(2021 йил «24» июль даги 21-010 - рақамли реестр баённомаси.)

Баф



М.К. Бакаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси ўринбосари, филол. ф. д.

З.И. Расулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, филол. ф. н., доцент

М.М. Жўраева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, филол. ф.
д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тил ва нутқ дихотомиясида лисоний бирликларга хос валентлик, дистрибутив характер, уларнинг семантик, синтактик ва стилистик хусусиятлари масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, нутқ актларида гапларнинг пропозицион, коммуникатив ва информатив қийматини белгилаш зарурати ўз логик-грамматик, лексик-семантик, стилистик вазибалари, тараққиёт динамикаси ҳамда прагматик хоссаларига эга юкламаларни турли тизимли тиллар имкониятидан фойдаланган ҳолда функционал аспектда талқин этишни тақозо этди. Шу маънода нутқ занжирида қўлланадиган мустақил сўз ва бирикмалар шакли, мазмуни ва функцияси яхлитлигига қўшимча қиймат юклайдиган ёрдамчи элементлар – юкламаларни чоғиштириш ҳар иккала тил партикологиясини янги назариялар билан бойитиш, объектив ҳақиқатни тил воситалари орқали англаш ва англатишда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослиги тажрибасида юкламаларнинг инсон мақсад-интилишларини, рухий кечинма ва сезимларини, коммуникатив интенциясини ифодалаш масалаларининг кенг қўламда илмий-назарий аспектда қиёсланиши партикология соҳасида фикр ифодаси учун хизмат қиладиган мазкур лисоний воситаларнинг мантикий вазифадорлигини ўрганиш эҳтиёжини келтириб чиқарди. Зеро, замонавий тилшуносликда устуворлик касб этган инглиз ва ўзбек лингвоплатформаларида юкламаларнинг грамматик, морфологик-синтактик, стилистик моҳиятини уларнинг функционаллиги доирасида изоҳлаш амалиёти ҳар қандай коммуникатив дискурсда воқеланадиган нутқ ва фикрнинг илокутив кучи, прагматик таъсири, шакл ва мазмун яхлитлигини илмий баҳолашга, муқоясага асосланган таржима илмига доир илғор назарияларни яратишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда юксак эътибор билан кенг қўламли ислоҳотлар амалга ошириляётган бугунги кунда барча соҳалар каби қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик ҳам жадаллик билан раванк топиб, илмий-назарий асослари мустаҳкамланиб бормоқда. Бунда «Биз миллий тикланишдан – миллий юксалишга эришишни ўз олдимизга энг муҳим ва устувор вазифа қилиб қўйдик...»¹. Шундай вазифалар қаторида бир-биридан узок заминда яшаб, турли тизимли тилларда сўзлашувчи икки халқ – инглиз ва ўзбеклар тили, нутқидаги ёрдамчи сўзлар – юкламаларнинг грамматик, функционал-стилистик хусусиятларини қиёсий ўрганиш ҳам бор. Бу эса иккала халқ ўртасидаги манфаатли муносабатларни янада барқарорлаштиришда, тилшуносликда юкламалар ва уларнинг таржимаси ҳақидаги илмий хулосаларни бойитишда мавжуд имкониятларни кенгайтиради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро микёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табриги // Халқ сўзи, 2018 йил 8 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 12 январдаги Ф-4789-сон «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 376-сон «Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг: I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тилшунослигида ёрдамчи сўзларнинг тил ва нутқдаги ўрни, семантик, синтактик ва стилистик хусусиятлари кўпдан эътиборни тортиб келаётган муҳим масалалардан бири бўлиб, шу қаторда мустақил сўзларга қўшилиб келиб, қўшимча маъно юклайдиган, уларни ўзаро боғлашга хизмат қилувчи лексик бирликларнинг ўрни, грамматик ва прагматик маъно-вазифаларига ҳам алоҳида қизиқиш билдирилган тадқиқотлар мавжуд. Жумладан, Л.М.Чистякова замонавий рус тилидаги юкламаларни алоҳида тадқиқот объекти сифатида танлаб ўрганган бўлса, Е.Е.Михелевич замонавий немис тилида мантикий маъноларни ифодаловчи юкламаларни, Н.А.Торопова эса юкламаларнинг кутиш ва инкор маъносидаги пресуппозицияларини ёритиб берган. Г.Е.Крейдлина «хатто» юкламаси пресуппозициясига эътиборни тортган². Шунингдек, А.А.Шахматов, Г.Г.Скиб, В.М.Адмони, А.Т.Кривоносов, В.Виноградов, Ф.Ф.Фортунатов, А.М.Пешковский, Н.Ю.Шведова, Ю.П. Нечайларнинг тадқиқотларида ҳам юкламаларнинг ёрдамчи сўз сифатидаги лексик-семантик, грамматик хусусиятлари, гапга турли маъно оттенкаларини бера олиши, синтактик қурилишда иштирок этиши, пресуппозицияси масалаларига диққат қаратилган³. Ф.Д.Ашнин турк тилларидаги кўрсатиш юкламаларига муносабат билдирган⁴.

²Чистякова Л.М. Частицы современного русского языка: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ленинград, 1949; Михелевич Е.Е. Логико-смысловые частицы в современном немецком языке: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – М., 1960; Торопова Н.А. К исследованию логических частиц. – Вопросы языкознания. – М., 1978. – №5; Крейдлин Г.Е. Лексема “даже”. // Семиотика и информатика. – №6. – М., 1975.

³Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. Вып. 2. – Л., 1944. – С.434; Скиб Г.Г. Переход самостоятельных слов в служеб. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Львов, 1954; Адмони В.Г. Синтаксис современного немецкого языка. – Ленинград: Наука, 1973.– 130 с.; Шведова Н.Ю. Очерки по синтаксису русской

Ўзбек тилида юкламалар мавзусида О.Бозоров, У.Э.Раҳимов, З.Исоқов, А.Б.Пардаевлар томонидан махсус изланишлар олиб борилган⁵. Шулар орасида У.Э.Раҳимов тадқиқотида ўзбек тилида юкламалар иштирок этган гаплар ҳамда улар англатган пресуппозициялар илк бор трансформацион метод асосида талқин этилган⁶.

Шунингдек, баъзи дарслик ва ўқув қўлланмаларда ҳам у ҳақда қисқагина ўрин ажратилган⁷. Жумладан, А.Ғуломовнинг «Содда гап» китобида илк бор юкламаларнинг прагматик маънолари, уларнинг гап семантик структурасига таъсири хусусида йўл-йўлакай фикр юритилган эди⁸.

М.Асқарова, О.Бозоров, Р.Расулов, З.Исоқовлар ўзбек тилидаги айрим юкламаларнинг боғловчи вазифасида келиши, гап турларини шакллантиришда қўлланилиш ва ифодаладиган маънолари хусусида алоҳида тўхталиб, ўз фикрларни билдиришган⁹. Шунингдек, Т.Рустамов, Р.Қўнғуровларнинг бу борадаги фикрлари ҳам эътиборлидир¹⁰.

Ўзбек тилидаги юкламалар билан инглиз тили юкламаларининг қиёси қисман Ж.Бўронов, М.Ирисқулов, Ў.Юсупов ишларида кузатилади¹¹. Н.Абдуллаева ўзбек ва турк тилларидаги *-ми* сўроқ юкламасининг қиёсий талқинига эътибор қаратган¹². Р.Ф.Бегматова тадқиқотида немис ва ўзбек тилларида юкламаларнинг семантик, синтактик ва стилистик хусусиятлари

разговорной речи. АН СССР. – М., 1960; Кривонос А.Т. Структура языка и система неизменяемых классов слов (на материале немецкого языка): Автореф. д-ра, филол. наук. – Саратов, 1974. – 53 с.; Фортунатов Ф.Ф. Ибранные труды. Т. I. Сравнительное языкознание. Общий курс. – С.165-166; Виноградов В.В. История русских лингвистических учений. – М., 1978. – С.143; Нечай Ю. П. Семантико-синтаксические средства выражения эмоционально-экспрессивных значений частиц в немецком и русском языках. Сопоставительный анализ: Дисс.... докт. филол. наук. – Краснодар, 1999. – 465 с.

⁴ Ашнин Ф.Д. Указательные частицы в тюркских языках. // Известия АН СССР. – Серия литературы и языка. – М., 1958. – Том 17. – № 5. – С. 417.

⁵ Базаров О. Частицы в узбекском языке: Дисс.... канд. филол. наук. – Москва, 1983. – 193 с.; Базаров О. Частицы в узбекском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Москва, 1983. – 23с.; Базаров О. Ўзбек тилининг юклама категорияси. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1977.–№2.–Б. 24-28; Раҳимов У.Э. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994; Пардаев А.Б. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси: Филол. фан. докт...дисс. – Тошкент, 2017. – 262б.

⁶ Раҳимов У.Э. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз... дисс. – Самарқанд, 1994.

⁷ Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – Москва – Л., 1960. – С.328; Кононов А.Н. Ўзбек тили грамматикаси. I-том. – Т., 1975. – Б.368-580; Турсунов У., Мухторов Ж, Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т., 1975. – 250-б.; М.Мирзаев ва бошқалар. Ўзбек тили. – Т.: Ўқитувчи, 1975. – 256-б.; Ш.Шоабдурахмонов ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т, 1980.

⁸ Ғуломов А. Содда гап. – Тошкент, 1955. – Б.94.

⁹ Асқарова М. Ўзбек тилида боғловчи-юкламалар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1962. – 5-сон; Расулов Р. “Ҳам” сўзининг қўлланилиш ўринлари ва ифодаладиган маънолари. АДПИ. Асарлар. VII-том. – Андижон, 1981. – Б.176; Расулов Р. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг семантик-синтактик хусусиятлари. – Т., 1983; Исақов З. Юкламалар ва боғловчиларнинг ўзаро алоқаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2006. – 3-сон. – Б.78-79.

¹⁰ Рустамов Т. Категория отрицания в современном узбекском литературном языке: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – М., 1956; Қўнғуров Р. Ҳозирги ўзбек тилида ўзгармайдиган сўзлар. I қисм. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1978. – 67 б.

¹¹ Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. – Т., 1973. – 70 б.; Бўронов Ж. English Grammar. – Т.: Ўқитувчи, 1974. – 281 б.; Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 256 б.; Юсупов Ў. Инглиз ва ўзбек тилларининг чоғиштирма лингвистикаси. – Т.: Академнашр, 2013. – 288 б.

¹² Абдуллаева Н. Ўзбек ва турк тилларидаги *-ми* сўроқ юкламасининг қиёсий талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2014. – 5-сон. – Б.88-92.

қиёсий ўрганилган¹³. Аммо чоғиштирма тилшунослигимизда юкламаларнинг лексик-грамматик тизимдаги воқеланиш хусусиятлари ҳали махсус ўрганилмаган. Шунинг учун ушбу тадқиқотда юқоридаги манбаларда юклама ҳақида келтирилган назарий тавсифларга асосланиб, юкламаларнинг инглиз ва ўзбек тилларида ифодаланиш хусусиятларини, уларнинг таржимада берилиш усулларини қиёсий аспектда ўрганиш кўзда тутилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университетининг «Тилнинг лексик-семантик тизими, қиёсий-типологик изланишлар ва таржимашунослик муаммолари» мавзусидаги илмий ишлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларидаги юкламаларнинг грамматик, функционал-стилистик жиҳатдан ўхшаш ҳамда фарқли хусусиятларини прагматик аспектда аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юкламаларнинг онгда, тилда, нутқда ўзига хос инъикос топишини, сўз ва гапга қўшимча маъно юклашини асослаш;

инглиз ва ўзбек тиллари тизимида юкламаларнинг грамматик маънога эга ёрдамчи сўз туркумларидан бири сифатида тутган ўрнини, морфологик белгиларини, шакл ва маъно турларини аниқлаб, бажарадиган функцияларини таснифлаш;

ўзбек тилидаги юкламаларнинг ё аффикс, ё сўз кўринишидаги тузилма, сўз ва нутқий синтактик қурилмаларни ўзаро тенг боғловчи восита эканлиги билан инглиз тилидаги юкламалардан фарқланишини далиллаш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги юкламаларга хос вазифадошлик (функциядошлик), маънодошлик (синонимия), шаклдошлик (омонимия), кўп маънолилик (полисемия) белгиларини очиш бериш;

тилнинг кичик бирликлари бўлган юкламаларнинг воқеа-ҳодисаларга баҳо бериш хусусиятига кўра ижтимоий-психологик таъсирланиш ва таъсир кўрсатиш манбаси сифатида нутқдаги ўрнини белгилаш;

турли тизимли ҳисобланган инглиз ва ўзбек тилларидаги юкламаларни чоғиштириш тамойилларини ишлаб чиқиш ва улар асосида юкламаларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини, таржимада берилиши билан боғлиқ муаммоларини аниқлаш, ечимларини чет тилини ўқитиш методикасига татбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек лисоний дискурсида қўлланадиган ҳамда ўзаро таржима қилинган бадиий матнларда учрайдиган юкламалар танланган.

Тадқиқотнинг предмети инглиз ва ўзбек тилларидаги юкламаларнинг грамматик, функционал-стилистик аспектларидаги ўхшаш ва фарқли хусусиятлари ва таржима тамойиллари ташкил қилади.

¹³ Бегматова Р.Ф. Немис ва ўзбек тилларида юкламаларнинг семантик, синтактик ва стилистик хусусиятлари: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 52 б.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда лингвистик тавсифлаш, таснифлаш, статистик, контекстуал, чоғиштирма ва стилистик таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тиллари синтактик кенглигида юкламаларнинг функционал-стилистик хоссалари гапнинг мантикий урғу, сўз тартиби, контекст ва оҳанг воситасида коммуникатив ёки актуал бўлакларга ажралишида намоён бўлиши, фикр ёки пропозициянинг коммуникатив марказини белгилаш функциясининг гап қурилмасидаги ўрни, ўзи аниқлаб келган сўзга нисбатан жойлашуви билан боғлиқликда амалга ошириши далилланган;

қиёсланаётган тиллардаги юкламаларнинг омонимик (шаклдошлик), синонимик (маънодошлик), полисемантик (кўп маънолилик) хусусиятлари ҳамда эмоционаллик, экспрессивлик, интенсивлик, воқеа-ҳодисаларни баҳолаш, суггестивлик (тавсия этувчилик), актуализаторлик (воқелантирувчилик), модификаторлик (ўзгартирувчилик) вазифалари гап ёки фикр тема ва ремасини белгилашда намоён бўлиши аниқланган;

ҳар иккала тилда юкламаларнинг комплекс таснифи асосида уларнинг юқори функционал потенциалга ва ўзининг прагматик табиатига эгаллиги, контекстуал ва коммуникатив шартланганлиги, парадигматик (лисоний) ва синтагматик (нутқий) актуаллашуви *семантика-функция-прагматика* бўлинмас учлигида намоён бўлиши исботланган;

қиёсланаётган тилларда маданий код ва имплицит (яширин) семантика ташувчи юкламалар таржимада фикр-нутқ занжири бирликларининг шакл-мазмун-функцияси яхлитлигига қўшимча қиймат бағишлаши натижасида тиллараро лисоний белги асимметриясини воқелантира олиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

турли тизимли тиллар ҳисобланган инглиз ва ўзбек тилларидаги таржима матнлари мисолида юкламаларнинг морфологик-синтактик (грамматик), стилистик, семантик, аксиологик, суггестивлик, актуализаторлик, матн шакллантирувчилик, модификаторлик хусусиятларига эга вазифалари очиқ берилган;

юкламаларнинг таржима муаммоларига ечим излаш орқали чиқарилган хулосалар чоғиштирма тилшунослик ҳамда таржимашунослик, қиёсий партикологияга оид дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши аниқланган;

оммавий ахборот воситаларида юкламаларнинг тил ва нутқ ҳодисаси сифатида ҳаётий воқеа-ҳодисаларга, инсоннинг турли руҳий ҳолати ва вазиятларига баҳо бериш, образлилиқ, эмоционал-экспрессивлик, интенсивлик муносабатларини ифодалай олиш воситаси бўла олишини асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг лингвистик тавсифлаш, таснифлаш, статистик, контекстуал, чоғиштирма ва стилистик таҳлил каби усуллар билан асосланганлиги, инглиз ва ўзбек тилларидаги юкламаларга хос

специфик белгиларни далиллашда замонавий тилшунослик ва таржимашуносликка оид илмий-бадий манбаларга таянилгани, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар инглиз ва ўзбек тилшунослиги ва таржимашунослиги кесимида юкламаларнинг грамматик, стилистик ва функционал хусусиятлари ҳақида тизимли тасаввур ҳосил қила олиши, синтактик назарияларнинг умумилмий базасини бойитиши, бадий таржимада берилиш спецификасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган назарий умумлашмалардан ўзбек ва инглиз тили ҳамда адабиётга бағишланган махсус курслар, семинарлар ўтишда, тадқиқот юзасидан эълон қилинган илмий манбаларнинг ўзбек тилшунослиги, қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик, таржимашунослик, жаҳон адабиёти ва адабий алоқалар бўйича маърузалар ўқиш, дарслик ва қўлланмалар яратиш, тавсиянома ва йўриқномалар тайёрлашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларида юкламаларнинг грамматик ҳамда функционал-стилистик хусусиятлари тадқиқини амалга ошириш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

тил ва нутқ ҳодисаларининг бадий матнларда поэтик таъсирчанлигини, эмоционаллик ва экспрессивлигини асослаш учун юкламалар прагматикаси, стилистикаси, пресуппозициясини ёритиш билан боғлиқ хулосалардан Ф-1-06 «Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарку Фарб адабий анъаналари синтези» мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 августдаги 01-01-2821-сон маълумотномаси). Натижада адабиёт тараққиёти давомида тил ва адабиёт ҳодисаларининг ўзаро боғлиқлиги асосланган;

мифологияда сўз магиясига ишонч, сўзни тимсоллаштириш, уларни маъноли ва маъносиз, яхши ва ёмон деб қараш тушунчалари мавжуд бўлганлигини асослаш билан боғлиқ хулосалардан Ф1-ХТ-19919 – «Ўзбек мифологияси ва унинг бадий тафаккур тараққиётидаги тутган ўрни» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 13 августдаги 88-87-1471-04-сон маълумотномаси). Натижада бадий матнларда сўзларнинг турли эмоционал товланиши сўз сеҳрига ишонч изларини далиллашга хизмат қилган;

матнлардаги мустақил ва ёрдамчи сўзларнинг грамматик, функционал-стилистик жиҳатдан ўхшаш ҳамда фарқли хусусиятларини прагматик аспектда аниқлашнинг тил ўзлаштиришдаги роли ва аҳамиятини белгилашга доир хулосалардан Европа Комиссиясининг Эрасмус+ дастури доирасида амалга оширилаётган “TALENT – Establishing Master Programmes in Human Resource Management and Talent Development in Central Asia – Марказий

Осиёда инсон ресурсларини бошқариш ва бошқарув қобилиятларини ривожлантириш магистратура дастурлари” халқаро лойиҳасида фойдаланилган (Бухоро давлат университети Халқаро бўлимининг 2021 йил 12 июндаги №05-0012 сонли маълумотномаси). Натижада инглиз тилида ишлаб чиқилган 8 та махсус курснинг ўзбек тилига ўгирилишида тарғибот материалларини жорий этишда илмий-амалий аҳамияти исботланган ва таржимада юкламаларни ифодалаш муаммолари аниқланиб, ечимлари тавсия қилинган;

оммавий ахборот воситаларида юкламаларнинг тил ва нутқ ҳодисаси сифатида ҳаётий воқеа-ҳодисаларга, инсоннинг турли руҳий ҳолати ва вазиятларига баҳо бериш, образлиқ, эмоционал-экспрессивлик, интенсивлик муносабатларини ифодалай олишига доир хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O`zbekiston» телерадиоканали, Бухоро вилоят телерадиокомпанияси «Бухоро» телерадиоканалининг «Менга сўз беринг», «Ассалом, Бухоро», Илм дунёси», «Everyday English», «Замондош», «Қадриятлар қадим бешиги» дастурлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 10 августдаги 1/161-сонли маълумотномаси). Натижада телетомошабинларнинг тил ва нутқ имкониятлари, бадиий тилнинг ўзига хос томонлари, лингвопоэтика муаммолари бўйича тасаввур-тушунчаларини бойитишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 4 та республика, 5 та хорижий конференцияларда қилинган маърузаларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та илмий мақола, улардан 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 146 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Инглиз ҳамда ўзбек тилларида юкламаларни ўрганиш ва таснифлашнинг назарий асослари**» деб аталган биринчи боби

уч фаслни қамраб олган. Унинг илк фасли «*Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий партикологиясида юкламалар тизими ва таснифи*» деб аталади.

Инглизлар ва ўзбеклар бир-биридан жуда узоқ ҳудудларда яшаб, турли тиллар оиласига қарашли ҳар хил тизимдаги тилларда сўзлашсалар-да, уларнинг сўз туркумлари бўлинишида ўзига хос яқинликлар борлиги эътиборни тортади. Жумладан, ҳар иккала тил тизимида юкламалар мавжуд бўлиб, ёрдамчи сўзлар қаторига киритилади. Инглиз тилида «*particles*», немис тилида «*partikel*», рус тилида «*частицы*» деб юритиладиган шундай лисоний birlikлар борки, уларни ўрганувчи тилшунослик бўлими «*партикология*» деб номланади. Лотинча *бир бўлакча, қисмча* маъносини англатадиган *particula* ҳамда *билим, таълимот* маъносини билдирувчи *logos* сўзлари бирикишидан ҳосил бўлган *партикология* термини билан номланувчи ушбу бўлимда аташ маъносига эга бўлмаган ҳамда таркиби ўзгармайдиган, грамматик шакл, маъно ва вазифага эга кўмакчи, боғловчи, юклама каби ёрдамчи сўз туркумлари ўрганилади. Лекин, эътиборли жиҳати шундаки, «*партикл*» термини ёрдамчи сўз туркумлари орасида юклама учун махсус ном сифатида қўлланиши кузатилади. Бундан эса юкламаларнинг кўмакчи ва боғловчига нисбатан вазифалари кенглиги англашилади.

Ўзбек тилида «юклама» термини «*юклаго*» феълининг «вазифа ёки иш топширма, зиммасига қўймоқ; ортмоқ» мазмунидаги кўчма маъноси асосида келиб чиққан¹⁴ ва улар ёрдамчи сўз туркумлари тизимида ўзига хос алоҳида ўрин тутаяди. Ҳозирги ўзбек адабий тилида айрим сўзларга (яъни гап бўлакларига) ёки гапга қўшилганда англатадиган маъноларига ҳамда тузилишига, ёзилишига қараб юкламанинг бир-биридан фарқланадиган олтига маъно турлари, сўз ва қўшимча кўринишида бўлиши, айримлари сўзга қўшиб, айримлари сўздан чизиқча ёрдамида ажратиб ёзилиши маълум. (Ишда буни акс эттирувчи жадвал келтирилган). Шу асосда юкламаларнинг гетероген (грекча – «бошқа тур» дегани бўлиб, хилма-хиллик, бир структурадаги ҳар хил қисмларга эга бўлишлик) хусусияти ёрқинлашади. Шу ўринда ўзбек тилида қўшимча кўринишидаги юкламалар борлиги ва, асосан, сўз охиридан қўшилиб келиши унинг агглютинативлик хусусиятини намоён этса, инглиз тили флектив тил бўлгани учун унда сўз охиридан қўшилиб келадиган қўшимча кўринишидаги юкламалар мавжуд эмаслиги аёнлашади.

Яна шуниси борки, ўзбек тилида юкламалар тиниш белгиларини қўйиш қоида-сига мувофиқ чизиқча билан ёзилиши, баъзида вергул ёрдамида ажратилиши инглиз тили учун деярли хос эмас. Бундай хусусият инглиз тилида нисбатан кам учрайди.

Ж.Бўронов инглиз тилидаги юкламаларга шундай таъриф берган: «Маълум сўз, конструкция ёки бутун гапга тегишли бўлиб, унинг маъносини кучайтириб, сусайтириб, айириб, чегаралаб ёки сўроқ маъносини билдириб келувчи (алоҳида сўзларга боғлиқ ҳолда сўзларнинг қўшимча маъноларини

¹⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдлик. 5-жилд. Шукрона – Ҳ.–Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б. 80.

билдирувчи) ёрдамчи сўзлар юкламалардир».¹⁵ Бу таъриф орқали англашиладики, инглиз тилида ҳам юкламаларнинг бир неча маъновий гуруҳлари мавжуд. Маъносига кўра инглиз юкламалари қуйидаги гуруҳларга бўлинади: 1. Limiting particles. 2. Intensifying particles. 3. Specifying particles. 4. Additive particle. 4. Negative particles. 6. Connecting particles.

Ўзбек тилида сўроқ ва таажжуб юкламалари мавжуд бўлиб, улар *-ми, -чи, -а, -я* каби қўшимча кўринишидаги юкламалардан иборат. Улар сўз ёки гапга қўшилиб келиб, сўроқ мазмунини ифода этади. Лекин инглиз тилида сўроқни ифода этувчи на қўшимча, на сўз кўринишидаги юкламалар мавжуддир. Масалан, инглиз тилида *whether* сўзи маъноси ва вазифаси жиҳатидан ўзбек тилидаги *-ми сўроқ юкламасининг* маъно ва вазифасига мос тушади.

Ўзбек тилида энг кенг тарқалган юклама тури *-у, -ю, -ку, -да, -оқ, -ёқ, -э(е), -ай(-эй), ахир, ҳаммо, ҳаммоки, ҳам, гирт, наҳот, наҳотки* каби қўшимча ва сўз кўринишида учрайдиган *кучайтирув ва таъкид* юкламаларидир. Улар гапга экспрессивлик, тасвирийлик, таъсирчанлик, модаллик билан боғлиқ маъноларни юклаб, сўз маъноси устига яна таъкид маъносини қўшиш орқали маънони кучайтиришга хизмат қилади. Инглиз тилида ҳам кучайтирув-таъкид юкламалари («Emphatic or intensifying particles») мавжуд. Улар қаторига *even, yet, still, all, just, simply, never, but, only, quite, too, very, exactly, right, precisely* каби *ҳаммо, ҳаммоки, наҳотки, ахир, ҳам* сингари оттенкаларда қўлланивчи юкламалар мансубдир. Бу юкламалар, одатда, ўзи боғланиб келган сўзнинг маъносига аниқлик киритиб, уни кучайтириб, таъкидлаб кўрсатишга ёрдам беради.

Кузатилган мисолларда инглиз тилидаги *yet* кучайтирув-таъкид юкламаси моҳиятан ўзбек тилидаги *ҳам, even / ҳаммо, just / ахир* юкламасига мос келиши аёнлашади. *Simply* юкламаси, одатда, кесим билан боғланади ва равишдан фарқли ўлароқ, у кесимдан кейин эмас, балки олдинги ўринда ёки унинг бўлаги бўлиб келади. Масалан: «*You simply must see the play*». – «Сиз шунчаки пьесани кўришингиз керак». Ёки яна: «*That is simply not true*». – «Бушунчаки тўғри эмас».

Ўзбек тилида *-гина, -кина, -қина, фақат, атиги* кабилар *айирув ва чегаралов юкламалари* сифатида қаралади. Уларга мазмунан мос лингвистик ҳодисалар инглиз тилида «Limiting particles» деб юритилади. Бунга *even, only, merely, barely, almost, nearly, scarcely, hardly, solely, just, but, alone, yetc* кабилар мисол бўлади. Чунки мазкур юкламалар ҳар иккала тилда фақат ва ёлғиз, шунчаки маъноларида қўлланиб, гапдаги қайсидир сўзни ажратиб, чегаралаб кўрсатишга, унинг маъносига қўшимча тарзда яна айирув-чегаралаш маъносини юклашга, шу маънода уни бошқа сўзлардан ажратиб таъкидлашга хизмат қилади.

«*Merely*» сўзи «фақат», «шунчаки» маъносида ҳам учрайди. Жумладан: «*And have you never known the pleasure and triumph of a lucky guess? – I pity*

¹⁵Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. – Т., 1973. – 70 б.; Бўронов Ж. English Grammar. – Т.: Ўқитувчи, 1974. – 281 б.

you. – I thought you cleverer – for, depend upon it a lucky guess is never *merely* luck. There is always some talent in it.¹⁶ (Таржимаси: «Сиз ҳеч қачон бахтли тахминнинг ғалабаси ва нашидасини билмаганмисиз? – Мен сизга ачинаман. Мен сизни ақллироқ деб ўйлагандим, чунки унга боғлиқ омадли тахмин шунчаки омад эмас. Ҳар доим унда истеъдод бор»).

Худди, нақ, қоқ сўзлари ўзбек тилида *аниқлов юкламалари* ҳисобланади. Улар ўзи боғланиб келган гап бўлагининг маъносини янада аниқлаштиришга, чоғиштириш, қиёслаш, ўхшатиш маъноларини ифодалашга ёрдам беради. Инглиз тилида «Specifying particles» аниқлов юкламалари сифатида қаралади. Бунга *just, right, exactly, precisely* сўзлари мисол бўлади.

Ўзбек тилида *на-на, ҳеч, сира* сўзлари *инкор юкламаси* сифатида кўрсатилади. Улар инкор маъносини ифодалаш учун хизмат қилади. Бу жиҳатдан инглиз тилида «Negative particle» мавжуд бўлиб, бунга *no, not, never* юкламалари мансуб. Улар *ҳеч, сира, йўқ* тушунчаларига тўғри келади. Ўзбек тилида бундай юклама тури *на...на* шаклида учрайди. Масалан: «Neither of them knew exactly what». – Таржимаси: «Нима нарса бўлишини опа-сингилнинг на униси ва на буниси биларди».¹⁷

На, на инкор юкламаси ўзбек тилида ўзгаришсиз такрорланиб келса, инглизларда бир ўринда *neither* билан, бир ўринда эса *nor* билан берилиши мумкин: «Neither the parents nor the children enjoyed the program. – Таржимаси: «На ота-оналар, на болалар дастурни мириқиб томоша қилдилар».

Қайд қилиш лозимки, *no* партикли *no* олмошидан фарқ қилади. Агар бу сўз сифат ёки равишдан олдин келса, у партикл ҳисобланади. Масалан: «He is *no* better today». *Never* партикли эса инкор маъносини беришда *not* ўрнида қўлланилади. Масалан: «I never knew that you had a twin sister (= didn't know until now)». – Таржимаси: «Мен сенинг эгизак синглинг борлигини билмас эдим (= ҳозирга қадар билмасдим)».

Ўзи боғланиб келган гап бўлагига гумон, ноаниқлик маъносини юклайдиган -дир кўшимча шаклидаги гумон юкламаси ҳам фақат ўзбек тилида алоҳида қайд қилинган. Инглиз тилида эса у алоҳида партикл тури сифатида кўрсатилмаган.

Инглиз тилида фикрни тўлдиришга чорловчи юклама – «*Additive particle*» ҳам мавжуд. Бунга *else* сўзи мисол бўла олади. Мазкур юклама баён қилинаётган фикрни тўлдириш учун яна нима қўшиш мумкинлигини сўраш учун ишлатилади. Шу боисдан у қатнашган гаплардан сўнг кўпинча сўроқ белгиси (?) қўйилади. Масалан: «Do you have anything *else* to add?» (Таржимаси: «Сиз яна нимадир қўшасизми?»)

Else сўзи гап таркибида фақат гумон, сўроқ ва бўлишсизлик олмошлари ҳамда сўроқ равишлари билан бирга келади. *Else* сўзи яна махсус сўроқ гапларда *what* сўзидан кейинги ўринда жойлашади.

¹⁶Jane Austen. Emma. – London: Published for John Murray, 1816. – Б.6.

¹⁷Draiser Th. Sister Carrie. Gutenberg EBook FreeDetorial. 2008. – Б.12; Драйзер Драйзер Теодор. Бахтиқаро Керри. Жаҳон адабиёти дурдоналари. Роман. Таржимон Эркин Носиров. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б.20.

Инглиз тилида бириктирувчи ёки умумлаштирувчи («Connecting particles») *too, also, as well, either* каби юкламалар ҳам қўлланади. Шундан *as well, also, too* – дарак ва сўроқ гапларда ишлатилса, *either* – инкор гапларда қўлланади: James was silent. Tom, *too*, was silent (Tom was silent, *too*).

Фасл сўнгида инглиз ва ўзбек тилидаги юкламаларнинг кўриб чиқилган турлари мослиги ва муқобиллиги қиёсий жадвал асосида кўрсатиб ўтилди.

Бобнинг «Инглиз ва ўзбек тилларидаги юкламаларнинг умумий ҳам хусусий жиҳатлари» номли фаслида олиб борилган кузатишлар асосида улар орасида яна қуйидаги умумий хусусиятлар борлиги аниқланди: *биринчидан*, юкламалар ҳар иккала тилда тил ҳодисаси сифатида алоҳида ёрдамчи сўзлар туркумидан бирини ташкил қилади. Кўмакчи, боғловчи сингари бошқа функционал сўзлар каби юкламалар ҳам конкрет бир лексик маънога эга бўлмаса-да, аниқ грамматик вазифаларни бажариб келади. Шуниси билан улар мустақил сўзлардан фарқланади ва грамматик маъноси ва шакли, грамматик вазифасига кўра ёрдамчи сўзлар қаторида алоҳида туркумланади; *иккинчидан*: нутқ жараёнида юкламалар грамматик муносабатларни ифодаловчи функционал сўзлар сифатида мустақил сўз туркумига мансуб лисоний бирликларни ўзаро боғлаш, уларга турли маъноларни кўшиш вазифасини бажариб келади; *учинчидан*, қўшимча қисм сифатида сўз ёки гапга қўшилиб келиши боис ўз кўринишини ўзгартирмайди; *тўртинчидан*, таркибига на ясовчи, на шакл ясовчи қўшимчани қабул қила ололмаслиги сабабли ясашиш хусусиятига эга эмас; *бешинчидан*, фақат грамматик маъно, грамматик шакл ва грамматик вазифага эга; *олтинчидан*, кўпинча сўз кўринишида учраса-да, аташ маъносини билдирмайди; *еттинчидан*, гап бўлаги бўлолмайди, балки бирор гап бўлаги таркибида келади; *саккизинчидан*, урғу ололмайди. Юкламалар урғу ололмаса-да, улардан олдинги сўз урғу олади. Хусусан, қўшимча шаклидаги юкламалар (-*ми*, -*чи*, -*а*, -*я*, -*у*, -*ю*, -*да*, -*ку*, -*гина* (-*кина*, -*қина*) мутлақо урғу қабул қилмайди. Масалан, *дадам/чи*.

Инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам юкламалар матн таркибида алоҳида сўзлар сифатида ажралиб турадики, шунисига кўра уларни қийинчиликсиз тез топиш мумкин. Аммо улар турли маъно нозикликларига эгаллиги боис қайси маънода келганлигини фақат матн орқали аниқлаб олинади. Р.Бегматова қайд қилганидек: «Юкламаларнинг семантикаси уларнинг функциялари ва қандай мақсадда қўлланилаётганида аён бўлади».¹⁸

Инглиз тилидаги юкламалар, асосан, сўз кўринишидадир. Ўзбек тилида эса сўз ва қўшимча кўринишидаги юкламалар учрайди.

Шакл жиҳатидан предлогларга ўхшаш бўлган партикл сўзлар инглиз тилидаги уч конструкция доирасида юклама вазифасини бажаради: 1. Фразавий / иборавий феъллар (фраземалар)да юкламалар. 2. Модал хусусиятли феъллар (Quasy-modal Verbs). 3. Аниқловчи иборалардаги юкламалар. Умуман айтганда, инглиз тили грамматикасида юкламалардан

¹⁸ Бегматова Р.Ф. Немис ва ўзбек тилларида юкламаларнинг семантик, синтактик ва стилистик хусусиятлари: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – Б.12.

иборат функционал сўзлар бошқа сўзлар билан грамматик муносабатларни ифодалайди. Функционал сўзлар аниқ грамматик функцияни бажаради, аммо аниқ лексик маъно билдирмайди, чунки уларга аташ маъноси хос эмас.

Одатда, инглиз тилида юкламалар ўзи боғланиб келган сўздан олдин қўлланади. Камдан-кам ҳолатлардагина улар ўзи боғланиб келган сўздан кейин келиши мумкин. Масалан: «I can't remember him at all. I've even forgotten what he looks like». (Таржимаси: «Мен уни ҳеч ҳам эслай олмайман, ҳаттоки унинг кўринишини ҳам унутиб қўйганман»). Ўзбек тилида эса юкламалар ўзи боғланиб келган сўздан олдин ё кейин келиши мумкин.

Ҳар иккала тилда ҳам бир маъно гуруҳига мансуб юкламалардан биттаси ё бир нечтаси, ё бир гапда бир неча маъно гуруҳига мансуб юкламалар аралаш қўлланиб келиши кузатилади.

Маълумки, ўзбек тилида юкламалар ясалмайди ва ясалишга асос ҳам бўлолмайди. Лекин инглиз тилидаги сўз ясалишида юкламалар иштирок эта олади. Аниқроғи, инглиз тилида юклама қўшма сўз ясалишида қатнашади. Бу жараёнда у қўшма сўзнинг компоненти кўринишида ишлатилади. Умуман айтганда, инглиз тилида юклама бошқа сўз туркумлари сўз ясалишида иштирок этиб, унинг муҳим компонентларидан бири бўлиб келади. Инглиз тилида юклама иштирокида ясалган қўшма сўзлар «Part + N» моделида намоён бўлади. Бунга *online* (мобиль-алоқа (масофавий)), *onlooker* (томошабин), *onward* (олдинга ҳаракат қилувчи) каби қўшма сўзларни мисол қилиш мумкин. Уларнинг биринчи келган «on» қисми юклама бўлса, кейинги қисми от туркумидаги сўзлардир. Инглиз тилида юклама ва от туркумининг бирилашувидан юқоридаги каби қўшма отлар ҳосил бўлган.

Ўзбек ва инглиз тилларидаги юкламаларнинг ифодалаб келадиган маъноларида ҳам ўхшашликлар мавжуд. Бу ишда жадваллаштирилиб кўрсатилди.

Агар юклама тушириб қолдирилса, гапнинг маъносида ҳам йўқотиш юз беради. Бундай таъкид немис юкламашуноси Г.Вейдт томонидан ҳам қайд этилган.¹⁹

Бобнинг «*Гап турларини ҳосил қилишда юкламаларнинг ўрни*» номли учинчи фаслида юкламалар ё биргина сўзга, ё бирор сўз бирикмасига, ё худ бутун бошли бир гапга тегишли бўлиши ва уларга маъно қўшиши, айниқса, гапнинг ифода мақсади ва оҳангига кўра турлари ҳосил бўлишида иштирок қилиши ёритилган. Жумладан, дарак гапларда юкламалар «бирор ходиса ҳақида хабар бериш, бирор фактни, белгини констатация қилиш, тасдиқлаш» учун хизмат қилувчи воситалардан биридир.²⁰ Бизнингча, дарак гаплар бирор воқеа-ҳодисанинг тасдиғи ёки инкори, аниқлиги ёки ноаниқлиги, бўлиш ёки бўлмаслиги, тахмин-тусмоллиги, орзу-истак, мақсад, гумон билан боғлиқлиги маъноларини ўзида ифодалаб келиши туфайли уларда мана шундай маъно-хусусиятли юкламаларни қўллаш имкони кенг.

¹⁹ Weydt H., Th.Harden. Kleine deutsche Partikellehre. – Klett Stuttgart, 1983. – S.141.

²⁰ Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – Б.56.

Буйруқ гапларда юкламалар буюриш, қисташ, даъват қилиш, чақириш, ундаш, йўналтириш, дўқ-пўписа, зарда, жиғибийронлик, талваса, кесатиқ, илтимос, ялиниш, таклиф, насиҳат, тақиқлаш, огоҳлантириш, рухсат қилиш, тилак-истак билдириш каби турли модал маъноларни ифодалашга хизмат қилади.²¹ Масалан: «He really expected to hear the common «Aw! go chase yourself!» in return». (Th.D. Sister Carrie, 42). – «Бор-е, аравангни торт! кабилидаги жавоб кутганди. Лекин Керри индамай ўгирилиб олганида жуда хайрон бўлди-да, уялганидан хиринглаб, нари кетди». (Т.Д. Бахтиқаро Керри, 60). Бунда инглиз тилида буйруқ гапни ҳосил қилиш учун ундов сўзлардан, буйруқ майлидаги феъллардан фойдаланилаётган бўлса, шу гапнинг ўзбекча таржимасида -э, -да каби кўшимча кўринишидаги кучайтирув-таъкид юкламалар ҳамда буйруқ майлидаги феъл ишлатилган.

Сўроқ гапда юкламалар сўроқ мазмунини юзага чиқаради: «Made a lot of money in his time, though, hasn't he?» (Th.D. Sister Carrie, 36). – «Пулни вақтида ишлаб олган-а?».

Гапларнинг коммуникатив типларини ажратишда пресуппозиция асосида иш юритиш яхши самара бериши аён.²² Жумладан, -чи юкламаси иштирок қилган гаплар, асосан, сўроқ гапларни ҳосил қилиши сабабли уларда ҳукмнинг ифодаланиши ҳақидаги фикрлар ҳамиша мунозарали бўлиб келган. Айримлар унда «ҳукм ифодаланмайди» деб ҳисобласа, кимлардир ҳукмнинг яширин ифодаланишини, ё хусусий кўринишга эгалигини, ё «ҳақиқий ҳукм сўроққа берилган жавобдан англашилади» деб ҳисоблайди.²³ Тилшунос О.Бозоров фикрича, -чи юкламаси қаторида -ми, -а, -я юкламалари ҳам гап турини ҳосил қилувчи юкламалардир.²⁴ Бунда, бизнингча, ушбу юкламаларнинг турли хусусиятлари ва мазмуний грамматик талқинидан ҳамда сўроқ гаплар махсус гапнинг коммуникатив тури эканлигидан келиб чиқилган. Бироқ инглиз тилида сўроқ гаплар ҳосил қилинишида кўпинча инверсиядан ё бирор ёрдамчи сўздан фойдаланилади.²⁵

Гапнинг оҳангига кўра ҳис-ҳаяжон (ундов гап) ҳамда ҳис-ҳаяжонсиз гаплар фарқланиши маълум. Ҳис-ҳаяжон гапларда,²⁶ хусусан, кучайтирув-таъкид юкламаларининг ўрни сезиларли.

Юкламалар кўшма гап таркибидаги содда гапларни ва ундаги уюшиқ бўлақларни бириктирув, зидлаш, айирув, инкор асосида тенг боғлашда қатнашиб келади. Шунга кўра, аксарият манбаларда *ҳам*, *ҳамда*, *на...на*, *-у*, *-ю*, *-да юкламалари* ёрдамчи сўзлардан бири – боғловчилар сафида саналиб,

²¹ Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўқитувчи, 1989. – Б.62-64.

²² Торопова Н.А. Положительной противочлен отрицания nicht в современном немецком языке (пресуппозиция отрицаний). – Филологический науки. – М., 1978. – №2. – С.68; Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений. Оценка. Событие. Факт. – М., 1988. – С.5; Степанов Ю.С. В трехмерном пространстве языка. Семиотические проблемы лингвистики, философии, искусства. – М., 1985. – С.224.

²³ Кондаков Н.И. Логический словарь-справочник. – М., 1975. – С. 92; Попов П.С. Суждение. – М., 1957. – С.20; Копнин П.В. Диалектика. Логика. – М., 1973. – С.217; ²⁴ Ахмедов А. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив турлари. – Т., 1979. – Б.56.

²⁴ Базаров О. Ўзбек тилининг юклама категорияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1977. – №2. – Б. 24-28.

²⁵ Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – Б.56.

²⁶ Кахарова И.С. Инглиз ва ўзбек тилларида ҳис-ҳаяжон гапларнинг когнитив-прагматик тадқиқи: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019. – 180 б.

бириктирув боғловчилари қаторида кўрсатилади.²⁷ Р.Расулов ҳам сўзининг қўлланилиш ўринлари ва англандан маъноларини атрофлича ёритар экан, унинг гапларга қандай маъно нозикликлари беришига қараб: 1) таъкид ёки кучайтирув юкламаси; 2) тўсиқсизлик юкламаси; 3) бириктирув боғловчиси каби турларини ажратади.²⁸ Ҳам юкламаси кўпроқ кейинги даврларда яратилаётган илмий-тадқиқот ишларида юкламалар қаторида талқин этилмоқда.

Инглиз тилида «and» боғловчиси уюшиқ сўзларни боғлаб келса, ундан олдинги сўздан кейин ёки ундан сўнг келган сўзнинг олдидан вергул қўйилмайди. Аммо қўшма гап қисмларини боғлаб келганда ундан олдин вергул қўйилиши мумкин: «Kicked his legs to straighten his trousers, and seized his clean yellow grip. (P.8). – «Ҳар маҳалгидай, оёқларини чўзиб, шимини тўғрилади-да, покиза сариқ чамадонини ердан узди. (Б.15).

Хуллас, юкламалар лексоид ва аффиксоид кўринишли маъновий номустақил, умумлашган грамматик маъноли ва грамматик вазифали, шаклан морфологик ўзгармас, урғу олмас, сўз ва гапга қўшилиб келадиган, баъзан яқка қўлланишли, синтактик боғлаш вазифасини ҳам бажара оладиган лисоний бириклардир.

Диссертациянинг «**Юкламаларда вазифадошлик ва синонимия**» деб номланган иккинчи боби уч фаслдан таркиб топган. Унинг «*Инглиз ва ўзбек тилларида юкламаларнинг ёрдамчи сўзлар билан вазифадошлиги*» номли илк фаслида юкламалар вазифаси жиҳатидан ўзига яқин бўлган кўмакчи ва боғловчи сўзлар билан вазифадошлик ҳосил қилиши ёритилган. Ёрдамчи сўзлар орасида бир-бирига кўчиш, бирининг вазифасини иккинчиси бажаришдек хусусият барча ёрдамчи сўзларга хос бўлганлиги каби юклама ҳам бундан мустасно эмаслиги кузатилади. Бунга уларнинг сўзни сўзга ёки гапни гапга боғлашга, уларга қўшимча маъно юклашга хизмат қилиши асос яратади. *Вазифадош юкламалар* ҳамда айрим мустақил сўзларнинг дискурсив сўзлар сифатида ёрдамчилик хусусиятлари хусусида А.Б. Пардаевнинг диссертациясида ҳам фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилган.²⁹

Бизнингча, кўмакчини юклама билан бир туркумга бирлаштирган жиҳат тўрттадир: биринчиси – ҳар иккаласининг сўзни сўзга боғлашга ёрдам бериши. Фақатгина кўмакчи сўзни сўзга тобе, юклама эса тенг боғлайди; иккинчиси – икковининг ҳам маъно бағишлаш хусусиятига эгаллиги; учинчиси – гапнинг мазмуний ва шаклий тузилишида ўзи синтактик боғланиб келган сўзга бирикиб, алоҳида имплицит пресуппозицияга ишора қилиши; тўртинчиси – улар ўзи иштирок этган гапда алоҳида гап бўлаги бўлмаслиги туфайли ажралиб туради ва ўзига хос мантиқий маъно билдириб, гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштиради.

²⁷ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Морфология, лексикология. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1965. – Б.107-114.

²⁸ Расулов Р. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг семантик-синтактик хусусиятлари. – Т., 1983.

²⁹ Пардаев А.Б. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси: филол. фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2017.– Б. 44.

Гап бўлаклари ёки гапларни ўзаро тенг боғлаш вазифасини боғловчилар қаторида юкламалар ҳам бажариб келади. Мана шу маънода улар тенг боғловчилардан бириктирув ҳамда зидлов боғловчилари билан вазифадошлик ҳосил қилади.

Инглиз тилидаги and боғловчиси ўзбек тилига «ва», «билан», «ҳамда» сўзлари қаторида -у, -ю, -да, ҳам юкламалари орқали тўппадан-тўғри таржима қилиниши кўп кузатилади. Масалан: «Carrie nodded and asked her sister about the neighbourhood». (Th.D. Sister Carrie, 11). – «Керри хўп дегандай бош ирғаб қўйди-да, опасидан қўни-қўшниларини суриштира бошлади». (Т.Д. Бахтиқаро Керри, 18). Бунда and боғловчи ўрнида -да юкламаси боғловчи вазифасини бажариб, феъл билан ифодаланган кесимларни боғлаб келгани кузатилмоқда.

But боғловчиси зидликни ифодалашни сабабли ўзбек тилига аммо, лекин, бироқ каби зидлик боғловчилари ёки балки модал сўзи, баъзан -у, -ю, -да юкламалари орқали таржимада берилади: «She wanted to make some reference to their relations upon the train, but was too timid. (Th.D. Sister Carrie, 12)». – «У поездда бирга келишганини тилга олиб ўтмоқчи бўлди-ю, бироқ тортинчоқлиги йўл қўймади. (Т.Д. Бахтиқаро Керри, 19)».

Yet боғловчиси ҳам зидликни ифодалашни туфайли ўзбек тилига уни аммо, лекин, бироқ каби зидлов боғловчилари қаторида шу вазифада қўлланиб кела оладиган -у, -ю, -да юкламалари билан таржимада бериш мумкин: «Yet she had applied so often. (Th.D. Sister Carrie, 54)». – «Бироқ ҳар кимдан иш сўрайвериб ўлиб бўлди-ку! (Т.Д. Бахтиқаро Керри, 74)».

Ўзбек тилшунослигида юкламанинг боғловчи сафига ўтишидан ҳосил бўлган «оралиқ ҳодиса»ларга нисбатан боғловчи-юклама атамаси ҳам қўллангани кузатилади.³⁰

Демак, инглиз ва ўзбек тилларидаги юклама ҳамда боғловчилар вазифадошлиги таржимада янада ёрқин ўз далилини кўрсатади. Юклама билан боғловчининг ўзаро вазифадошлиги, бир хил туркумдаги сўзларни ўзаро боғлаб, жуфт сўзларни, уюшиқ бўлакларни ҳосил қилиши инглиз ва ўзбек тиллари учун баравар хосдир.

Бобнинг «Юкламаларда синонимия, омонимия ва полисемия» фаслида юкламаларнинг ифодалайдиган маъно нозикликлари доираси анча кенглиги, улар нейтраллик даражаси, маъно ифодалаш кучи ва услубий қўлланишига қараб ўзаро синонимлик қаторини ҳосил қилиши кўрсатилган. Юкламаларда синонимия кенг тарқалган. Улар: 1) ўзи каби ёрдамчи сўзлар, яъни боғловчилар ва кўмакчи; 2) бир юклама иккинчи бир юклама; 3) сифат туркумига оид айрим сўзлар билан синонимлик ҳосил қилади. Айниқса, боғловчилар билан кўпроқ маънодошлик ҳосил қилади. Шунинг учун боғловчи-юклама атамаси ишлатилади. Бунда боғловчи ўрнини юклама, ёки аксинча, юклама ўрнини айрим кўмакчи ёки боғловчи эгаллаши намоён бўлади. Лекин боғловчи ва юкламалар, бир юклама иккинчи бир юклама

³⁰Асқарова М. Ўзбек тилида боғловчи-юкламалар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1962. – 5-сон.

билан синонимлик ҳосил қилса-да, улар ўртасида услубий маъно нозикликлари сақланиб қолади.

